

Шерободда чуқурлаштирилган бепул тиббий кўриклар ўтказилмоқда



Бугун, 20 февраль куни ушбу тадбир доирасидаги навбатдаги тиббий кўрик 81-оилавий поликлиниканинг “Пошхурт” бўлимида бўлиб ўтди. Унда маҳалланинг юзлаб фуқаролари малакали мутахассислар томонидан тиббий кўриклардан ўтказилди ва беморларга аниқланган касалликлари юзасидан зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди, шунингдек уларга тиббий муолажалар кўрсатилди.

Шунингдек, кўрик давомида аҳоли ўртасида “Репродуктив саломатлик ва соғлом турмуш тарзи – оила мустаҳкамлиги гарови” мавзусида давра суҳбати ташкил этилиб, мутахассислар томонидан йиғилганларга мавзуга оид зарур маълумотлар берилди.